

мамлакатимизнинг ушбу кенгашга тулақонли аъзоси сифатида кириши бизнинг иқтисодий имкониятларимизнинг янада кенгайишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Элмуродов М. Азалий дўстлик ва қардошлик алоқаларининг янги даври. // Халқ сўзи. 2019 йил 16 октябрь. №214. 2-б.
2. Zamonaviy dunyoda O'zbekiston tashqi siyosatining kun tartibi <https://yuz.uz/uz/news/zamonaviy-dunyoda-ozbekiston-tashqi-siyosatining-kun-tartibi.04.09.2020>.
3. Сайбназаров А. Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши – ўзаро ишончга яна бир қадам. <http://uza.uz/oz/society/turkiy-tilli-davlatlar-amkorlik-kengashi-zaro-ishonchga-yana-17-09-2019>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Интеграция ва ҳамкорлик учун янги имкониятлар” мавзусида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг еттинчи саммитидаги нутқи. Халқ сўзи. 2019 йил 16 октябрь. №214. 2-б.

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛИГА ДОИР АЙРИМ ҚАРАШЛАР

Мухтор Назиров

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,

“Халқаро муносабатлар” кафедраси доценти, PhD

Аннотация. Ушбу мақолада Туркий давлатлар ташкилоти ривожланишининг айрим жиҳатлари бўйича мулоҳаза юритилган. Хусусан, мақолада мазкур тузилманинг кўп томонлама, ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун муҳим платформага айланиб бораётгани, Ўзбекистон фундаментал кадриятлар ва умимий тил билан боғланган ушбу улкан геосиёсий маконнинг марказий устунларидан бири экани таҳлил қилинган. Шунингдек, “Туркий дунё нигоҳи – 2040” концептуал дастурини амалга оширишнинг истиқболли йўналишлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Туркий давлатлар ташкилоти, “Туркий нигоҳ – 2040”, геосиёсат, эркин савдо ҳудуди, “Ўрта йўлак”, транспорт-логистика маркази, маданий-гуманитар ҳамкорлик.

SOME VIEWS ON THE PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF THE ORGANIZATION OF TURKIC STATES

Abstract. This article examines some aspects of the development of the Organization of Turkic States. In particular, the article analyzes that this structure is becoming an important platform for multilateral, mutually beneficial cooperation, that Uzbekistan is one of the central pillars of this huge geopolitical space, linked by fundamental values and a common language. It also shows promising areas for the implementation of the conceptual program “Turkic World Vision – 2040”.

Key words: Organization of Turkic States, “Turkic World Vision – 2040”, geopolitics, free trade zone, “Middle Corridor”, transport and logistics center, cultural and humanitarian cooperation.

НЕКОТОРЫЕ ВЗГЛЯДЫ НА ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОРГАНИЗАЦИИ ТЮРКСКИХ ГОСУДАРСТВ

Аннотация. В данной статье рассматриваются некоторые аспекты развития Организации тюркских государств. В частности, в статье анализируется, что данная структура становится важной площадкой многостороннего, взаимовыгодного сотрудничества, что Узбекистан является одной из центральных опор этого огромного геополитического пространства, связанного фундаментальными ценностями и общим языком. Также показаны перспективные направления реализации концептуальной программы «Видение тюркского мира – 2040».

Ключевые слова: Организация тюркских государств, «Видение тюркского мира – 2040», геополитика, зона свободной торговли, «Средний коридор», транспортно-логистический центр, культурно-гуманитарное сотрудничество.

Туркий давлатлар ташкилотининг истиқболи ва равнақи долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Келгуси ўн йилликда 173 миллион аҳолига эга мамлакатларни бирлаштирган ушбу тузилма инвестициялар, меҳнат, товарлар ва хизматлар бозорини яратишни режалаштирмоқда. Умумий майдони 4 242 362 квадрат километрни ташкил этувчи, йирик ва муҳим геосиёсий минтақада жойлашган бу давлатларнинг умумий ялпи ички маҳсулоти 1 триллион АҚШ долларида ошади. [1] Шу боис Туркий давлатлар ташкилоти жаҳон иқтисодиётида сезиларли ўринни эгаллайди.

Давлат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Оқсоқоллар кенгаши ва котибияти, шунингдек, Халқаро Туркий маданият ташкилоти,

Туркий давлатлар парламент ассамблеяси, Халқаро Турк академияси, Туркий тиллар маданияти ва мероси фонди, Туркий давлатлар савдо-саноат палатаси ва Туркий давлатлар ташкилотининг Венгриядаги ваколатхонаси каби тузилмалар мавжудлиги ташкилотнинг универсал характерида далолат беради. Бундан ташқари, тузилма доирасида Тараққиёт банки, Туркий инвестиция жамғармаси тузилди ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича келишув имзоланган.

Ташкилот аъзо давлатлар ўртасида кўп томонлама, ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун муҳим платформага айланмоқда. Албатта, барқарор ва хавфсиз Туркий давлатлар ташкилоти минтақаси Евросиё ва ташқарида умумий хавфсизлик, барқарорликка хизмат қилади. Кузатувчилар қайд этганидек, бу борада иқтисодий интеграцияни кучайтириш ва ташкилот доирасида ишончни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари янада кенгроқ этнолингвистик маконда тинчлик ва барқарорликни таъминлаб, дунёвий вазиятга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Иқтисодий интеграция, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ва маданий алмашинувга эътибор қаратилиши кўплаб мамлакатлар томонидан олқишланади. Қолаверса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги кузатувчи мақоми ва бошқа халқаро тузилмалар билан ҳамкорлик ТДТнинг халқаро миқёсдаги обрўси ортиб бораётганидан далолат беради.

Кўпгина давлатлар ташкилотнинг Евросиё маконида ҳамкорлик ва барқарорликни ривожлантириш имкониятларини тан олади. Бироқ унинг геосиёсий оқибатлари ва тор миллий манфаатларни илгари суриш воситаси сифатида фойдаланиш имкониятлари ҳақида ҳам хавотирлар мавжуд. Шу боис, халқаро ҳамжамият Туркий давлатлар ташкилотига эҳтиёткор оптимизм билан қарайди.

Туркий давлатлар ташкилотининг ушбу хавотирларни бартараф этиш ва халқаро ҳамжамият билан ишончни мустаҳкамлаш қобиляти унинг узоқ муддатли ва барқарор тараққиёт мақсадларига мувофиқ минтақавий ҳамкорликка ҳисса қўшиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, 2040 йилгача белгилаб олинган концептуал қарашлар БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоҳанг ва Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича биргаликдаги ҳаракатларга асос бўлиб хизмат қилади. [2]

Расмий манбаларга кўра, Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотдаги иштирокидан асосий мақсади ўзаро савдо, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, транспорт, саноат кооперацияси, иқлим ўзгариши каби соҳаларда мутлақо янги шароитда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдан иборат. Шунингдек,

ёшлар сиёсати, экология, рақамли технологиялар, маданият ва туризм каби соҳаларда мамлакатимиз йирик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан манфаатдор.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон раислиги даврида ташкилотнинг “Туркий дунё нигоҳи – 2040” концепцияси қабул қилингани эътиборли масалалардан бири бўлди. Ҳужжатда қайд этилганидек, туркий халқлар ўртасидаги ҳамкорлик учун кенг имкониятлар мавжуд. Айниқса, ёшлар, тадбиркорлар ва диаспора вакиллари ўртасида спорт ва таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида форумлар ўтказиш режалаштирилган.

Шу нуқтаи назардан, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар халқлари тарихан бир хил илдизларга эгалиги сабабли маданий ва инсоний алоқаларни кенгайтириш алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, академик алмашинувлар ва умумий маданий алоқалар орқали таълим ва илмий муассасалар ўртасидаги шериклик кўламини кенгайтириш мумкин.

Ушбу концептуал дастур доирасида мамлакатлар таълим жараёнини уйғунлаштириш мақсадини белгилаб олган. Бу дипломларни ва академик малакаларни ўзаро тан олиш каби масалаларни ўз ичига олади. Мутахассислар туркий халқларнинг умумий тарихи, тили, маданияти, адабиёти соҳасидаги тадқиқотларни кучайтириш, хаттоки уларни ўқув дастурларига ҳам киритишни таклиф этишади. Ва бу ҳамкорликни ривожлантириш учун талабаларнинг академик мобиллигини оширишга, ёшлар бир-бири билан кўпроқ, яқинроқ мулоқот қилишига шароит ҳосил қилган бўлар эди.

Изчил ривожланаётган ушбу ҳамкорлик кўп қиррали ва ўзаро манфаатли хусусиятга эга. Аҳамиятлиси шуки, фундаментал қадриятлар ва умумий тил билан англашиладиган туркий дунё билан боғланган Ўзбекистон ушбу улкан геосиёсий маконнинг марказий устунларидан биридир.

Маълумки, туркий давлатлар географик жойлашуви Шимол – Жануб, Шарқ – Ғарб йўналишларида барча транспорт узелларини боғлаш имконини беради. Мамлакатларимиз Европа ва Осиёни боғловчи воситаларга эга. Бу борада Хитойдан бошланиб, Каспий денгизи орқали Кавказга, сўнгра Европага чўзилган “Ўрта йўлак”ни ривожлантириш зарурлиги кўп бора таъкидланган.

“Ўрта йўлак”нинг деярли бутун ҳудуди туркий давлатлар ҳудудидан ўтади (Грузия бундан мустасно, шарқдан Ғарбгача бўлган узунлиги 542 км). Бутун йўлнинг умумий узунлиги 11 минг километрдан ортиқ бўлиб, Хитой ва Европа Иттифоқини Марказий Осиё, Кавказ, Туркия ва Шарқий Европа орқали боғловчи темир йўл ҳамдир. Бинобарин, Туркий давлатлар ташкилоти ушбу макон халқларини бирлаштирган юксак салоҳиятга эга минтақавий тузилма бўлиши мумкин.

Шу тариқа Шарқ ва Ғарб ўртасида “кўприк” бўлиши кутилаётган ушбу ташкилот “Марказий Осиё – Жанубий Кавказ – Туркия” ўзаро боғлиқлигини кучайтириш орқали интеграцияга зарурий асос яратиши мумкин. Бу нафақат транспорт-логистика соҳасида, балки транскаспий энергетика лойиҳаларини амалга ошириш орқали минтақавий хавфсизликнинг ажралмас қисмига айланиши мумкин.

Ташкилотга аъзолик доирасида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти кундан-кунга кенгайиб бораётгани бу борада улкан салоҳият мавжудлигини кўрсатади. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ўртасида иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини йўлга қўйиш, савдо тўсиқларини бартараф этиш, электрон тижоратни кенгайтириш ва савдо ҳажмини ошириш тарафдори. Ўзбекистон учун мазкур платформанинг энг муҳим устувор йўналиши иқтисодий алоқалар орқали ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ҳисобланади. Бу эса инфратузилмани яхшилаш, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш билан боғлиқ.

Дарҳақиқат, узоқ муддатли стратегик мақсадларни белгилаб берган “Туркий нигоҳ – 2040” концептуал дастурида ушбу макон мамлакатлари ўртасида эркин савдо ҳудудини яратишга ишора мавжуд. Яъни, капитал, товар ва хизматлар ҳамда одамларнинг эркин ҳаракати мавжуд бўлганда интеграция йўлида дадил қадам ташланган бўлар эди. Иқтисодий нуқтаи назардан, бу жуда муҳим нуқта.

2040 йилгача бўлган ривожланиш стратегияси доирасида ижобий қадамларга қарамай, бир қатор жиддий тўсиқларга ҳам дуч келинмоқда. Улардан бири туркий давлатлар ўртасида сезиларли савдо айланмасининг йўқлигидир. Уни ривожлантириш учун салоҳият мавжуд бўлса-да, синхронлаштирилган тариф регулятори йўқлиги нафақат ўзаро товарларни ташишга тўсқинлик қилмоқда, балки учинчи давлатлар томонидан ушбу йўналишдан фойдаланиш жозибадорлиги ҳам пасайтирилмоқда.

Бундан ташқари, ТДТдаги мамлакатларнинг ривожланиш даражаси бир-биридан тубдан фарқ қилади. Каспий денгизи қирғоқларида инфратузилмани модернизация қилиш давом этаётган бўлса-да, унинг суръатлари секин, баъзан эса замонавий транспорт меъёрларидан ҳам ортда қолмоқда.

Сир эмаски, сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари ташқи сиёсатида Туркия вектори кучайиб бормоқда, кўптомонлама ҳамкорликнинг институционал асоси сифатида Туркий давлатлар ташкилоти намоён бўлмоқда. МДХ маконининг айрим ҳудудларидаги нотинч ва таҳликали вазият бу жараёнларга янгича мазмун ва динамика тақдим этмоқда. Айниқса, муҳофаза саноатини модернизация қилиш ва диверсификация қилиш, маданий бирликни мустаҳкамлаш, янги транспорт йўналишларини ривожлантириш борасида фаоллик кўзга ташланмоқда. Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиё давлатлари бу

ташкilotни кўпроқ кўпвекторли муносабатлар тизимининг муҳим элементи сифатида қабул қилмоқда.

Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, Туркий давлатлар ташкилоти бугунги даврда ўз маконида ҳамкорликнинг янги устувор йўналишларини излаш учун мувофиқлаштирувчи марказ сифатида қарор топмоқда. Бу асосан аъзо давлатлар ўртасида сиёсий мулоқот, кўп қиррали ҳамкорлик ва қўшма ҳаракатларда, муштарак ёндашувларда намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, умумий тарих ва географияга эга ТДТ минтақалараро савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқалари учун очиқ бўлган янги манзилга айланишига айланиш учун барча имкониятларга эга.

Адабиётлар рўйхати:

1. Organization of Turkic States. <https://www.turkicstates.org/en/gozlemci-ulkeler>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишидаги нутқи. 11.11.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5687>
3. Nazirov, M., Vorisova, K. Turkiy davlatlar integratsiyasiga doir strategik yondashuvlar // O'zbekistonda yangi iqtisodiy islohotlar sharoitida ziyorat turizmini rivojlantirish: muammo va istiqbollar: xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. 2023-yil 20-noyabr. – Toshkent: TDSHU, 2023. – B. 126-130.
4. Vorisova, K., & Nazirov, M. (2023). Characteristics of Development of Integration Processes Within the Organization of Turkish States. *European Science Methodical Journal*, Volume 1, Issue 3, June, 11-17.
5. Nazirov, M., & Qolqanov, N. (2024, May). The Optimized Algorithm Creation for the Whole HE System. In *2024 4th International Conference on Advance Computing and Innovative Technologies in Engineering (ICACITE)* (pp. 1588-1592). IEEE.

QADIMGI HINDISTON MANBALARIDA IXTIYOR ERKINLIGI VA IRODA ERKINLIGI TUSHUNCHALARINING MOHIYATI.

Absattorova Madinabonu Rustamovna
*TDPU “Ijtimoiy gumanitar fanlar o‘qitish metodikasi”
(ma’naviyat asoslari) mutaxassisligi 2-kurs magistranti*

Annotatsiya: Ushbu maqolada Qadimgi Hindistonning tarixiy-nazariy manbalari va ta’limotlarida “ixtiyor erkinligi” va “iroda erkinligi” tushunchalarining mazmun mohiyati ochib berilgan. Hindistonda murakkab ijtimoiy muhit (jaynizm,